*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

● № 229 (9875).

1990 йил 30 ноябрь жума

Баҳоси 3 тийин.

## ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

28 ноябрь куни Кремлда ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг мамлакат маданият арбоблари билан учрашувида мамлакат ижтимоий турмушида маданиятнинг ғоят муҳим мавқеи тўғрисида, қайта қуришнинг туб бурилиш даврида ижодкор зиёлиларнинг қайта қуриш тақдирига таъсири ҳақида ошкора, ғоят манфаатдорлик билан фикрлашиб олинди.

Фикрлашувда ССЖИ Маданият вазири Н. Н. Губенко, ёзувчи П. Л. Проскурин, меъмор Ю. П. Платонэв, драматург А. Е. Абдуллин, ёзувчи В. К. Петкявичюс, опера қўшиқчиси М. Л. Биешу, актёр А. В. Баталов, шоир Е. А. Евтушенко, ёзувчи С. Ю. Куняев, бастакор, Озарбайжон Маданият вазири Пўлат Булбул ўғли, ёзувчи Г. Я. Бакланов, кинорежиссёр С. И. Ростоцкий, санъатшунос Я. Х. Аллик, актриса Т. В. Доронина, ёзувчи В. Н. Крупин, ёзувчи О. Ёқубов, ёзувчи Б. И. Олейник, бастакор Э. М. Мирзоян, ҳайкалтарош Е. Т. Мерганов, бастакор Г. В. Свиридов, актёр Ю. В. Никулин, кинорежиссёр Э. А. Рязанов, рассом В. И. Стельмашонок, драматург М. Ф. Шатров, ёзувчи А. Г. Алексин, актриса Э. А. Бистрицкая иштирок этдилар.

М. С. Горбачев йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади.

Учрашув қатнашчилари «Агар жамият маданиятни ҳимоя қилса, маданият жамиятни сақлаб қолади» декларациясини қабул қилдилар.

Учрашув тўғрисидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

## ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

28 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ президентлик Кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон миллий-маданий марказларининг фаолияти ва уларнинг ишини такомиллаштириш тадбирлари кўриб чиқилди.

Жумҳуриятда ҳозиргача 35 та мана шундай марказ тузилганлигини, улар Ўзбекистонда яшаб турган миллат ва элатларнинг маданий талаб-эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашаётганини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Уларнинг ишини мувофиқлаштириб туриш учун ҳукуматнинг талабига биноан жумҳурият миллатлараро маданий маркази барпо этилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов байналмилал тарбия, халқлар ўртасида дўстлик, ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш иши миллий-маданий марказларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолиши кераклигини таъкидлади. Шу мақсадда бу марказлар биргаликдаги тадбирларни кўпроқ ўтказиши, ўзаро фаол ҳамкорлик қилиши лозим.

Жумҳуриятда яшаб турган миллий гуруҳларнинг маданий талаб-эҳтиёжларини қондириш ишини такомиллаштириш учун халқ депутатлари маҳаллий Советларига, жумҳурият вазирликлари ва идораларига, партия ва бошқа жамоат ташкилотларига аниқ шарт-шароитга қараб бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишнинг фаол чора-тадбирларини кўриш тавсия этилди.

Шу куннинг долзарб муаммоси — Иттифоқ Шартномаси лойиҳасига Ўзбекистон ССЖнинг таклифлари президентлик Кенгаши мажлисининг кун тартибига алоҳида банд қилиб киритилган эди.

Президентлик Кенгашининг аъзолари Иттифоқ Шартномасининг ҳозирги лойиҳаси пухта ишлаб чиқилиши керак, деган фикрни билдирдилар. У замон талабларига кўпроқ даражада мос бўлиши, жумҳуриятларнинг энг муҳим манфаатларини эътиборга олиши керак.

Ўзбекистон ССЖ Президенти бу масалада жумҳуриятнинг фикри битта, у ҳам бўлса — Иттифоқ Шартномаси «юқоридан» туширилиши мумкин эмас, у жумҳуриятлар ўз ижодининг маҳсули бўлиши лозим, деб таъкидлади. Бу ҳужжат, бир томондан, унга кирувчи барча жумҳуриятларни бирлаштирадиган негизга эга бўлиши, иккинчи томондан эса етарли даражада пухта бўлиб, ўзининг барча аъзолари учун энг мақбул шаклни танлаб олиш имкониятини кўзда тутиши керак.

Мажлисда президентлик Кенгашининг ҳолати, Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президентлик Кенгашининг ишида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).



● СУРАТДА: жумҳурият комсомоллари съездида қатнашаётган вилоятимиз вакилларидан бир гуруҳи.
Суратқаш Е. БОТИРОВ.

● *Қизғин баҳслар*

## СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига вакил этиб сайланган вилоятимиз ёшлари 27 ноябрда эрталаб Тошкент вилоят партия қўмитаси мажлислар залига тўпландилар. Йиғилишни Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси саркотиби М. Мирхўжаев кириш сўзи билан очди. Сўнгра вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов анжуман иштирокчиларини қизғин қутлади. У вилоят ёшларининг съезд ишида фаол иштирок этишларига ишонишини айтди. Учрашувда вилоят партия қўмитаси иккинчи котиби В. Г. Гришчук иштирок этди.

Тушликдан сўнг вакиллар В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Эсдалик учун суратга тушишди. Сўнгра Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси катта мажлислар залига йиғилиб, бўлажак ишлар ҳақида келишиб олинди. Олдинда жумҳурият раҳбарлари, вазирлик ва идоралар билан бўладиган учрашувлар ўтказилиши сабабли вакиллар гуруҳларга бўлиндилар.

Шу куни жумҳурият Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби И. А. Каримов съезд вакиллари билан учрашди. Шуниси диққатга сазоворки, Президентга 40 га яқин савол берилган бўлса, унинг 80 фоизи вилоятимиз ёшларига тегишлидир. Улар ўз саволларига тўлиқ жавоб олдилар.

Жумҳуриятнинг ўнга яқин вазирлик ва идораларида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. Жойлардаги раҳбарлар съезд вакилларига маҳкамалар олиб бораётган ишлар тўғрисида сўзлаб бериб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Анжуман иштирокчиларининг баҳс мунозаралари уларнинг вақтинча яшаш жойлари — шаҳардаги йирик меҳмонхоналарда ҳам давом этди. Тошкент вилояти йигит-қизлари «Ленинград» меҳмонхонасига жойлашганликлари муносабати билан вилоят қарорроҳи шу ерга кўчирилди. Қарорроҳнинг асосий вазифаси мунозара клублари ташкил этиш, вакилларга доимий ахборот бериб бориш бўлса ҳам вақтинчалик бошқа иш билан шуғулланишга тўғри келди. Ташкилотчиларнинг айби билан вакилларимизнинг бир гуруҳига... жой етишмай қолди. Ҳар ҳолда кеч соат 8 ларда биз меҳмонхонани тарк этаётган пайтимизда ҳориган вакиллар йўл анжомлари билан туришган эди.

Шошишимиздан мақсад эса Ўзбекистон комсомоли Марказқўми биносида ўтаётган делегациялар вакиллари йиғилишига улгуриш эди. Съезднинг бориши, унда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақидаги йиғилиш қизғин баҳс мунозараларга сабаб бўлиб кеч соат 23 ларга яқин тугади.

А. ИМОМХЎЖАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари—муҳокамада

## ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

**Тошкент вилоят партия қўмитасида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави ҳамда Ҳаракат дастури лойиҳаларига меҳнаткашлар томонидан билдирилаётган таклифларни умумлаштириш, таклиф ва қўшимчаларни қайта ишлаш бўйича комиссия ишлаб турибди. Ушбу комиссияга вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби В. Г. Гришчук бошчилик қилмоқда. Вилоятимиз ноҳия ҳамда шаҳарларидан меҳнаткашларнинг таклиф ва қўшимчалари бу ерга кетма-кет келиб турибди. Мана шулардан айримлари:**

**Х. САЙДАЛИЕВА,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент ноҳия қўмитасининг котиби:**

— Ўзбекистон Коммунистик партияси Устави лойиҳаси шу кунгача ноҳиямиздаги 37 та бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинди. Унда 1023 коммунист қатнашиб, шулардан 83 нафари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улардан баъзилари лойиҳаларнинг чўзилиб кетганлиги, айрим бобларга эса аниқлик киритиш лозимлиги ҳақида гапирдилар.

Партия ташкилотлари котиблари кенгашининг ташкил этилиши ортиқча деган таклиф айтилди. Чунки кейинги пайтларда шундоқ ҳам турли кенгашлар кўплаб тузилмоқда. Лекин кўпчилигининг охир оқибатда бесамаралиги аён бўляпти.

Агар ноҳия ва шаҳар партия қўмиталарига фаолияти Ўзбекистон Коммунистик партияси Устави талабларига зид бўлган бошланғич партия ташкилотларини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилса бу бошланғич партия ташкилотлари ролини бирмунча камситган бўлади, деган мулоҳазалар ҳам айтилди. Шу билан бирга коммунистларнинг йиғилишларида пенсионерлардан аъзолик бадали олмаслик тўғрисида ҳам таклифлар тушди.

Муҳокамалар ноҳиямизда давом этмоқда.

**М. МУРОДОВ,
Пискент нон комбинатининг ишчиси:**

— Партия ташкилотлари миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши, ажралиб чиқиш ва миллий маҳдудликни тарғиб этаётганларга қарши муросасиз кураш олиб боради, дейилган Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастури лойиҳасида. Мен лойиҳанинг ана шу бўлимига аниқлик киритмоқчиман. Биз ана шундай ҳолат вужудга келса унга дарҳол партиявий сиёсий нуқтаи назардан баҳо беришимиз ва фавқулодда кескин чоралар кўришимиз керак. Шундагина аҳоли ўртасида ортиқча ваҳима ҳамда қўрқувнинг олдини олишимиз мумкин. Йўқса, кишилар кейинги пайтларда бундай шов-шувлардан жуда ҳам безиб қолишди. Айрим жойларда бундай гаплар шу даражада кўпайиб кетдики, ўша ерларда меҳнаткашларнинг ишга ҳам қўли бормай қолди. Мана шу ҳолатни бартараф қилмай биз ҳеч қачон кишиларимизни бахтли, турмушимизни эса фаровон қила олмаймиз.

**Нурилла ИСМАТОВ,
Бўка ноҳиясидаги Чапаев номли 8-ўрта мактаб ўқитувчиси:**

**— Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастури лойиҳасида «Компартия халқ таълими соҳасида умумтаълим ва олий мактабларни чуқур ислоҳ қилиш, миллий анъаналарни ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ўқитиш ва уни тарбиялашда жаҳон тарбиясидан фойдаланиш тарафдоридир» дейилган. Ҳа, албатта, кейинги пайтларда таълим-тарбия ишларимиз бўшашиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам дастурдаги ушбу фикр ҳаётга татбиқ этилса, айни муддао бўларди. Бунинг учун эса авваламбор ўқитувчи ҳамда ўқувчи ўртасидаги муносабатни тубдан ўзгартириш даркор. Шу билан бирга маориф соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимларда сўз билан иш бирлиги бўлиши лозим. Тўғрида, ахир, ўқитувчи дарс ўтаётган чоғида бутунлай бошқача гапириб, ҳаётда эса аксинча иш тутса, ўқувчилар олдида обрўси қоладими? Яна охирги фикрим, айни пайтда ўқув юртларида турли тадбирлар юзаки ўтказилмоқда. Шуни ҳисобга олиб буларнинг таъсирчанлиги оширилса айни муддао бўларди.**

## ОСЛОГА ТАШРИФ КЕЧИКТИРИЛДИ

ССЖИ Президентининг матбуот хизматида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, ССЖИ Президенти М. С. Горбачев анъанавий «Нобель даври»да мукофотни олиш учун Ослога, афсуски, кела олмайди. Бунинг сабаби мамлакат учун бурилиш даври ва ССЖИ Президентининг, айтиш мумкинки, ҳар соатда эътибор бериши ва иштирок этишини талаб қиладиган ишлар билан ниҳоятда бандлигидир. Нобель қўмитасидагилар албатта буни тушунадилар ва мукофотни бошқа вақтда топширишга рози бўладилар, деб Москвада умид қилишмоқда.

М. С. Горбачев шу муносабат билан Норвегия Нобель қўмитасининг раиси Гидске Андерсонга, Норвегия бош вазири Гру Харлем Брундтландга, Швеция бош вазири Ингвар Карлссонга, Швеция Нобель фондининг идора этувчи директори Стиг Рамелга мактублар йўллади.

● *Маданият хабарлари* ●

## БАЛЕТ «ЮЛДУЗ»ЛАРНИ ТЎПЛАМОҚДА

Ўзбекистон ССЖ академик Катта театри саҳнасида очилган «Па-де-де» Бутуниттифоқ фестивалига энг машҳур саҳна «юлдуз»лари тўпланди. Кўрик П. И. Чайковский туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган. Шунинг учун ҳам бу фестиваль «Оққуш кўли» спектакли билан бошланди.

Томошанинг ўзига хос томони шунда бўлдики, унинг ҳар бир кўринишида мамлакатимиз турли шаҳарларидан келган артистлар бир-бирлари билан ўрин алмашиб турдилар. Улар спектаклни чинакам рақс байрамига айлантириб юборишди.

— Кўпгина қийинчиликларга қарамай, биз фестиваль ўтказиш ғоясини амалга оширишга муваффақ бўлдик, — деди унинг очилиш маросимида ташкилот қўмитасининг раиси, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг раҳбари Бернора Қориева. — Балет — бу ғаройиб ва ажиб санъатдир. Мусиқа ва рақс тили ниҳоятда хилма-хил миллатларга мансуб кишиларни бирлаштиришга, уларга жўшқинлик ва гўзаллик туйғусини бахш этишга қодир. Ўтказилаётган бу кўрик санъатнинг ушбу турига ҳаёт бағишлайди, деб умид қиламиз.

Фестиваль беш кун давом этади. Бу кунларда Навоий номли театр саҳнасида буюк рус бастакори мусиқаси асосида қўйилган спектакллар намойиш этилади. «Оққуш кўли» ҳам, «Уйқудаги малика» балетида ҳам мамлакатимизнинг турли театрлари артистлари чиқишади. «Ромео ва Жульетта»ни Якутия мусиқавий театри артистлари ижро этишади. «Гамлет»ни эса томошабинлар Ленинград консерваторияси мусиқавий театри санъаткорлари ижросида томоша қилишади. «Франческа ди Римини» асарини Тошкент балет труппаси намойиш этади. Фестиваль иккита гала-концерт билан тугалланади. Бу концертларда таклиф этилган барча артистлар, шунингдек Ўзбекистон балетининг етакчи усталари чиқишади.

Фестиваль доирасида классик балет муаммолари юзасидан суҳбатлар ўтказиш режалаштирилган. Бу суҳбатда Франция, ГФЖ, Югославия, Таиланд ва Совет Иттифоқи хореографлари ҳамда танқидчилари иштирок этишади.

П. БУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

## ТАРАДДУД

Пискент ноҳиясида «Ҳосил байрами»ни ўтказишга алоҳида тараддуд кўрилди. Эртага бошланадиган «Ҳосил байрами» тантаналари уч кун давом этади. Унинг мазмуни бой. Жумладан, Охунбобоев номли маданият ва истироҳат боғида миллий кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтади, ҳаваскорлар концертлари кўрсатилади, театрлаштирилган саҳналар шодиёнага файз киритади. Шунингдек, мусобақа ғолибларини муносиб тақдирлаш ҳам кўзда тутилган. Меҳнат илғорларини шарафлаш ва уларни тақдирлаш ҳам режалаштирилган. Айни пайтда ноҳияда мактаб-интернат, «Хазрат Бузрук» қабристони қурилиши ва Пискентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик фондлари учун хайрия пули ҳам йиғилади. Байрамнинг сўнгги учинчи кунида улоқ ташкил қилинади. Оммавий сайиллар ўтказилади.

З. ЖЎРАЕВА.

## ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

**29 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон пахтачилик маҳсулоти улгуржи савдоси жумҳуриятлараро ярмаркаси очилди. Бу жумҳурият ташкилотларининг кучлари билан биринчи марта тажриба тариқасида ўтказилаётган тадбир ҳисобланади.**

**Ўзбекистон ССЖ Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков ярмаркани очар экан, бу ишни Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар билан иқтисодий алоқа боғлашга чек қўйиш деб баҳолаш керак эмаслигини айтди. Аксинча, бошқа жумҳуриятлар билан бевосита алоқалар мунтазам равишда кенгаяди ва такомиллашади. Бироқ, айни вақтда Ўзбекистон ҳукумати ўз жумҳурияти аҳолисининг манфаатларини биринчи навбатда ҳисобга олади. Ўзбекистон маълум даражада хом ашё етказиб берувчи жумҳурият бўлиб, одамлар турмуш даражасини оширишга тўла муваффақ бўлмади. Бундай камчиликлар ҳайдаладиган ерларнинг ишдан чиқишига, сув танқислигига, озиқ-овқат маҳсулотлари етарли даражада ишлаб чиқарилмаслигига олиб келди. Пахта толасига, янги прейскурант нархлар ушбу муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоғи лозим.**

**И. Х. Жўрабеков ярмарканинг мамлакатимиз барча жумҳуриятларидан Тошкентга келган қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.**

(ЎзТАГ).

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### БУЮК БРИТАНИЯНИНГ БОШ ВАЗИРИ

ЛОНДОН, 28 ноябрь. (ТАСС). Ниҳоят 47 яшар Жон Мейжор шу асрда Буюк Британиянинг энг ёш Бош вазири ва Уинстон Черчиллдан кейин дорилфунун маълумотига эга бўлмаган иккинчи ҳукумат бошлиғи бўлди. Бугун собиқ молия вазири Даунинг-Стрит, 10-уйдаги Бош вазир қарорроҳига келади, кечқурун эса ҳукуматнинг янги аъзолари эълон қилинади. Истеъфога чиққан Маргарет Тэтчер консерваторлар партиясининг Британия парламенти жамоа палатасидаги маслаҳатчи депутатлари орасидан жой олади.

Ж. Мейжор оддий оиладан чиққан, унинг ота-онаси цирк артистлари бўлишган. У 16 ёшида мактабни ташлаб, ўзи яшаб турган жойда ёш консерваторлар ташкилотини тузиб, сиёсий фаолият билан шуғулланган. Орадан бирмунча вақт ўтгач, молия коллежларидан бирида ўқиди ва «Стэндард Чартед бэнк» банкида ишлади. 1979 йилда Ж. Мейжор жамоалар палатасининг аъзоси бўлди. Орадан ўн йил ўтгач эса, М. Тэтчер уни ташқи ишлар вазири этиб тайинлади. Тўғри, у ана шу лавозимда атиги уч ой ишлади. Молия вазири Найжел Лоусон кутилмаганда истеъфога чиққандан кейин Ж. Мейжор унинг ўрнини эгаллади.

Янги Бош вазир оилали, икки фарзанди бор. Крикет ўйнашни, операни севади.

Уни ҳукмрон консерватив партиянинг ўнг қаноти ҳам, сўл қаноти ҳам қўллаб-қувватламоқда.

### Т. Я. РАМАДОН ДАЪВАТИ

Ироқ Бош вазирининг биринчи ўринбосари Таха Ясин Рамадон АҚШ Президенти Ж. Бушни «Форс кўрфазида ва Яқин Шарқда тинчликни сақлаб қолиш йўлида» Ироқ билан мулоқот бошлашга даъват этди. Т. Я. Рамадон чоршанба куни Бағдодда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаб, Америка Президенти «Учинчи дунёни вайронгарчилик урушига дучор қилмоқда» ва Ж. Бушнинг «Минтақада уруш фожиасига йўл қўйилмаслик учун мулоқот бошлашдан ўзга иложи йўқ» деб таъкидлади. Шу билан бирга Ироқ вакили ўз мамлакати «Араблар ва Ислом заминидан босқинчиларни, сотқинларни ва уларнинг жосусларини ҳайдаб юбориш»га тайёр эканлигини тасдиқлади. У Ироқнинг Қувайтга бўлган ўз «тарихий ҳуқуқлари»дан воз кечмаслигини тасдиқлади.

(ТАСС, 28 ноябрь).

### МУРОЖААТНОМА МАЪҚУЛЛАНДИ

● ПРАГА. Сешанба куни бу ерда Чехословакия касаба уюшмалари конфедерацияси Бош Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда касаба уюшмаларига даҳлдор асосий қонунларни муҳокама қилиш чоғида ЧСФЖ федерал мажлиси (парламенти)да юзага келган мушкул вазиятга нисбатан меҳнаткашларнинг муносабати аниқланди. Кенгаш парламент депутатларига очиқ мурожаатномани маъқуллади.



● СУРИЯНИНГ қадимги ёдгорликлари бамисоли инсоният тарихи ҳақидаги очиқ китобга ўхшайди. Суратда: Пальмира — мамлакатнинг машҳур зиёратгоҳларидан бири.

ТАСС фотоси.

### ҲАРБИЙ БУЮРТМАЛАР УЧ БАРАВАР КАМАЯДИ

● БОНН. Кескинликни юмшатиш жараёни кучайганлиги, қуролсизланиш юзасидан Вена музокараларида аҳдлашувларга эришилганлиги Бундесвер Ғарбий Германия ҳарбий саноатига берадиган буюртмаларни уч баравар камайтиришга олиб келади. Яқин келажакда ҳарбий ишлаб чиқариш саноати корхоналарида банд бўлганларнинг тўртдан бир қисми жиддий қийинчиликларга дуч келади. Иқтисодий оқибатларнинг миқдори бўшатиб олинган ишлаб чиқариш қувватларидан қай даражада самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади.

### ҚЎШМА БАЁНОТ

● ВАРШАВА. «Бирдамлик» касаба уюшмасининг раҳбарияти кончиларнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида ҳукумат билан олиб борган музокаралар қўшма баёнотни имзолаш билан ниҳоясига етди.

Унга мувофиқ, жумладан 15 декабргача шахталарга ёрдам пули, тармоқ ҳунар-техника билим юртларига маблағлар, шунингдек кончиларнинг уй-жойларига қўшимча ҳақ ажратиш муаммоси бартараф этилади. Бундан ташқари, касб-ҳунар байрамлари арафасида ҳар йили махсус бериладиган мукофотларни сақлаб қолишга кафиллик берилган.

### АҚШ ВА МЕКСИКА САВДО БИТИМИ

● МЕХИКО. Эркин савдо хусусидаги битим Қўшма Штатлар билан Мексика ички бозорларини мустаҳкамлабгина қолмай, айни вақтда ҳар иккала мамлакат иқтисодиёти бир-бирини бойитишга ва жаҳондаги энг юқори даражада моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга имкон беради, деди АҚШ Президенти Жорж Буш Мексикага расмий ташрифи чоғида.

Америка маъмуриятининг бошлиғи Монтеррей шаҳридаги маҳаллий театрда сўзга чиқиб, «Мексика ҳам Америка Қўшма Штатлари сингари жаҳонни иқтисодий уюшмаларга бўлиб юборишни рад этаётганлигини ва бутунжаҳон савдосини шароитга мослаштиришни ёқлаб чиқаётганлигини» таъкидлади.

(ТАСС, 28 ноябрь).

